# НИГОҲЛАРДА ЭРТАНИНГ ИҚБОЛИ

Сўнгги пайтларда Жиззах вилоятида иқтисодий ислоҳотлар кўлами кенгайиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг кўпайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланиб бораяпти. Раҳбардан раҳбарнинг фарқи бор. Маънавий баркамол, ҳалол инсонгина асл раҳбар бўла олади.

Келинг, очиқ ва холис баҳо берайлик. Бултур айни шу пайтда вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ташвишланарли эди. Пахта тайёрлаш режаси бажарилмади. Кўпгина хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли кузги дон экиш ишлари ўлда-жўлда қолди. Баъзи жойларда эса бу фақат қоғозда амалга оширилди. Ерни келгуси йил ҳосилига тайёрлаш ишларига кузда умуман киришилмади. Фақат декабрнинг сўнгги кунларида шудгорлаш бошланди. Одамларда ишга муносабат совуқ эди. Узибулар-чилик, масъулиятсизлик ва лоқайдлик оқибатида тармоқ кескин орқага кетди. Аҳволни ўнглаш учун янги раҳбар ишни даладан бошлади. Тракторчиларга шудгорланган ер ҳақи ҳар куни дала бошида бериб борилди. Уларга иссиқ кийим, этик, рўзғорига озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Рағбат бор жойда иш унуми бўлади.

Барча хўжаликларда меҳнат интизоми йўлга қўйилди. Бугун бепоён далаларга сепилган дон гуркираб ўсаяпти. Яшил майдонлар кўзни қувонтиради. Мироблар елкасида кетмон, сув тараб юришибди. Пахтадан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланаяпти.

Хазиналардан яна бирига нигоҳ тушди. Чорвачилик ривожлантирилаяпти. Саккизта наслчилик фермаси ташкил этилган. Улар хўжаликларни наслли ғунажинлар ва новвослар билан таъминлайди. Чорва қишлови учун вилоят бўйича жами 150 минг 980 тонна озуқа тайёрланди. Бу ўтган йилга нисбатан 19 минг 597 тонна кўп. Хуллас, тармоқда олға силжиш, жонланиш бошланди.

— Биз эртанги кун иқболи ва истиқболи учун ишлаяпмиз. Ва ана шу орзу билан яшаяпмиз, — дейди вилоят ҳокими Шавкат Миромонович Мирзиёев. — Меҳнатимиз натижасини келажак кўрсатади. Худо хоҳласа, 1998 йил қишлоқ хўжалигимизда кескин бурилиш йили бўлади. Бунга ҳозирдан пухта замин яратилаяпти. Хатолар такрорланмаслиги учун тармоқни ривожлантиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Маълумки, ҳосилнинг онаси уруғ. Бу йил Андижондан сифатли ғалла уруғи олдик. Сентябрь ойининг дастлабки кунлариданоқ «Скифянка» замин бағрига сепилди. Сувли майдонларда уруғлик униб чиқиб, яшнаб турибди. Лалми майдонларда эса бу тадбир ниҳоясига етказилаяпти. Бу йил жами 201 минг гектар ерга кузги буғдой сепилди.



• Жиззах вилояти ҳокими Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Известия» газетаси мухбирларининг «Ўзбекистон Россиядан тўла мустақилликни нималар билан таъминлади? — деган саволига шундай жавоб берди:

— «Нефт, нефт маҳсулотлари, дон борасида тўла мустақилликка эришдик».

Ана шу жавобда халқимиз эришган ютуқ мужассам. Ўзбекистонни бутун дунё танимоқда. Халқимизнинг нуфузи кун сайин ортиб бораётгани ғоят қувончли. Хорижлик сармоядорлар ишончли шерик қидириб бизга келишаяпти.

## Ислоҳот — инсон хизматида

Деҳқон меҳнати қадр топаяпти. Жорий йилда пахтадан юқори ҳосил кўтарган хўжаликлар кўп. Қайси деҳқон кузда ер чизиб қолишни истайди? Режани қойиллатиб ҳалол меҳнати нашидасини сураётган «Тараққиёт», «Навбаҳор», «Юксалиш», «Янги ҳаёт», Ҳамид Олимжон, Ҳамроқул Носиров, Улуғбек номли жамоа хўжаликлари заршуносларипахтачиликда ўзига хос мактаб яратди. Баъзи хўжаликлар ҳосилдорликни 38 центнерга етказишди. Чўл шароитида бундай кўрсаткичга эришиш фидойилик намунаси албатта. Иншолло, келгуси йилда ғалла ва пахтадан катта хирмон уйиш ниятидамиз. Ҳозир барча хўжаликларда кузги-қишки тадбирлар қизғин. Далаларда 66 та «Магнум», 395 та «Алтай» ҳайдов тракторлари уч сменада ишламоқда. Тракторчиларга барча шароит яратилган.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш биринчи галдаги вазифа. Шу йили кўплаб замонавий гузарлар барпо этилди. Биргина Жиззах шаҳрининг ўзида барча қулайликларга эга бўлган 15 та гузар ишга туширилди. Бозорлар таъмирланиб кенгайтирилди. 25 километрлик масофадаги йўллар созланиб, кунгирадор девор билан ўраб чиқилди. Марказий «Жиззах» стадиони жаҳон андозаларига мослаб қайта тикланди. Минг ўринли теннис корти фойдаланишга топширилди. 700 квадрат метрли «Бешқувур» савдо маркази, 16 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Катта «Осиё» бозори ишга туширилди.

Истеъмол бозорини керакли маҳсулотлар билан тўлдириш замон талаби. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бугунги куннинг шиори. Чет эл инвестициялари ҳисобига қўшма корхоналар ташкил этилаяпти. Айни пайтда шундай корхоналардан учтаси тўла қувват билан ишламоқда. Улардан вилоят хазинасига салмоқли даромад тушаяпти. Йил охирига бориб улар сони 25 тага етказилади.

Харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони ўсиб бораяпти. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган, харидор талабига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти тўхтатилаяпти. Зеро, ислоҳот шарти шундай.

Хорижий сармоядор ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантиришга ҳам дадил қадам қўйилди. Яқинда «Осиёбанк»нинг Ўзбекистондаги бўлими раҳбари Мартин Герман бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи Пахтакор ва Дўстлик туманлари хўжаликларида бўлишиб, соҳадаги аҳвол билан танишиб чиқишди. Мазкур банк тармоқни ривожлантиришга салмоқли маблағ ажратиш ниятида.

Жойларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон (фермер) хўжаликларига хизмат кўрсатувчи сервис марказлари ташкил этилаяпти.

Вилоятда қишлоқ аҳлини тоза ичимлик суви ва газ билан тўлиқ таъминлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Куни-кеча Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Янгиобод қишлоғи тўла газлаштирилди.

Ҳа, жиззахликлар ислоҳотларнинг асл моҳиятини чуқур англаб, келажакка умид билан қараб меҳнат қилишмоқда. Энг муҳими, одамлар қалбида ишлаш ва яшаш завқи жўш урмоқда. Биз вилоятнинг барча жабҳасида меҳнат қилаётган саховатли замин заҳматкашларининг эзгу ниятлари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



• «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги раиси Қўчқор Бобоев (ўртада) бош ҳосилот Фарҳод Хўжанов ва 8-бригада бошлиғи Яхшимурод Абдишукуров ғаллазорда.



• Жиззахдаги «Қалия» маҳалласида янги ишга туширилган иссиқ нон цехининг махсус дўкони.



• Зомин туманидаги Охунбобоев номли маҳалла гузари. Катта «Осиё» карвонсарой бозори.



Суратлар муаллифиники

*Обуна қандай бормоқда?*

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

Шу кунларда ҳамма жойда бўлгани каби туманимизда ҳам мамлакатимизда чоп этиладиган даврий нашрларга 1998 йил учун обуна ишлари давом этмоқда. Хўжаликлар, ташкилот ва корхоналарда газета-журналларга ёзилиш учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Туман матбуот тарқатиш уюшмаси бу борада барча қизиқувчиларни керакли маълумотлар билан таъминлаб турибди. Обуна мавсумини муваффақиятли ўтказиш бўйича туман ҳокимининг махсус фармойиши ҳам мавжуд. Бир сўз билан айтганда, маънавий-маърифий жиҳатдан ўта муҳим ҳисобланган бу жараён доимий диққат марказида бўлмоқда. Обунани расмийлаштиришда аҳолини шу йўл билан ижтимоий ҳимоялаш, илғор ишчи-хизматчиларга ўзлари истаган газета ва журналларга ёзилишларини маъмурият томонидан мукофот тариқасида амалга ошириш каби омиллар кенг қўлланилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, нашрлар бирмунча қиммат бўлишига қарамасдан одамларда маънавиятга бўлган қизиқишнинг кучлилиги кузатилмоқда. Ҳар ким ўзи қизиққан, ёқтирган бирор бир матбуот турини қўлига олар экан, энг аввало ундан дилига мос тушадиган, қалбидаги саволларига жавоб бера оладиган мақолаларни излаши табиий. Бу бор ҳақиқат. Масалага мана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, газетхонларнинг интилишлари ва қизиқишлари матбуот ходимлари зиммасига жуда катта масъулиятли вазифалар қўяди. Бу ҳақда гап борар экан ҳозирданоқ хулоса қилиб ошкора айтиш мумкинки, ана шу масъулиятни теран ҳис қиладиган газеталарнинг ўқувчилари туманимизда 1998 йилда ҳам камаймайди. Бу эса ўз навбатида халқимиз келгуси йилда ҳам газета саҳифаларида янада қизиқарли мақолалар кутишаётганлигини англатади. Буни матбуот ходимлари доимий ёдда тутмоқлари керак. Гап обуна ҳақида бораётганлиги туфайли мен кўпчилик газетхонлар номидан фурсатдан фойдаланиб айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Таҳририятлар эришаётган ютуқларни инкор этмаган ҳолда айрим газеталарда саёз, қуруқ сафсатадан иборат мақолаларнинг ҳам босилаётганлигини ёқлаб бўлмайди. Газеталарда расмий хабар ва мақолаларни чоп этишда бир-бирини такрорлаш кўп. Holбуки, одамларни зериктирмаслик учун ўша расмий хабарларни турлича шаклларда ҳам бериш мумкин. Бунда масаланинг моҳиятини очишга кўпроқ эътибор қаратилса, маъқул бўлади. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» катта хайрли ишлар қилинаётган бир пайтда турли тамаки маҳсулотларининг газета саҳифаларида кўз-кўз қилишни кўпчилик ёқламайди.

Энди «Қишлоқ ҳаёти»га келсак, бу нашр биринчи навбатда шу жиҳати билан қадрлики, у мамлакатимиздаги ягона аграр газета ҳисобланади. Агар Оҳангарон воҳаси халқининг аксарияти қишлоқларда яшашини ҳисобга олсак, ушбу газета биз учун нақадар қадрдон эканлиги маълум бўлади. Ўтган давр ичида «Қишлоқ ҳаёти»да туманимиз ҳаётига оид ўнлаб мақолалар чоп этилди. «Мевасабзавотбанк», «Оҳангарондон», Ангрен ширкатлар уюшмаси ва йўл қурилиши ташкилотлари фаолиятидан берилган мақолаларни ҳаммамиз қизиқиб ўқидик. Газета шубҳасиз 1998 йилда ҳам воҳа деҳқонларининг яқин ҳамроҳи бўлади, деб умид қиламиз. Ҳозирга қадар кўплаб хўжалик ва ташкилотлар «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилди ва бу жараён давом этмоқда. Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам газета кўплар қатори туманимиз аграр соҳа ходимлари фаолиятини изчил ёритиб боради.

**М. ДЎСТБОЕВ,**
**Оҳангарон тумани ҳокимининг биринчи муовини.**

## ҲАЁТ КЎЗГУСИ

**Ҳозирги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида 1998 йил учун маҳаллий рўзномаларга обунани расмийлаштириш давом этмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Норин туман ҳокими муовини Соҳибахон Ҳамроқулова билан телефон орқали боғланиб, ундан ушбу масъулиятли мавсумнинг бориши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

**— Матбуот маънавиятимиз кўзгуси, ҳаётимиз ойнаси деди у. — Рўзномаларда азамат пахтакорлару соҳибкорлар, боғбону чорвадорлар турмуши, илғорлар тажрибаси, фан-техника янгиликлари кенг ёритиб борилаётганилиги туфайли соҳа ходимлари касбдошларининг бу борадаги ишлари билан танишиб, уни ўз фаолиятларида қўллаётган жамоалар қувончли натижаларга эришмоқдалар.**

**Туманимизда республика нашрлари қатори деҳқонларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна бўлиш қизғин давом этмоқда.**

**Айниқси, А. Шамситдинов номли жамоа хўжалиги (раиси Маҳамадйўлдош Тўраев), «Норин» жамоа хўжалиги (раис вазифасини бажарувчи Ҳошимжон Аббосов), «Пахтакор» жамоа хўжалиги (раиси Зокиржон Абдуллаев), қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (бошлиғи Убайдулла Мўминов) ходимлари ўзларининг севимли нашрлари бўлган «Қишлоқ ҳаёти»га кўпчилик бўлиб ёзилишяпти.**

**Бундан ташқари мазкур рўзномага якка тартибда обуна бўлиш ҳам давом этмоқда. Туманимизда 100 дан ортиқ ташкилот ва корхоналар мавжуд. Уларнинг аксарияти бу мавсумда фаол иштирок этиб, обунани расмийлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.**

**Натижада 16 ноябрга қадар якка тартибда 12 муштарий, жамоаларда эса 58 киши «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилган**

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ПУДРАТ БЕРГАН ҚУДРАТ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги фармойишида бу борадаги қолоқликнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланилмаганлиги, кузги шудгор сифатсиз ўтказилганлигида экани таъкидлаб ўтилганди. Фармойишда кўрсатилган ана шу камчиликларни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Навоий вилоятининг кўплаб хўжаликларида ўтган йили кузги шудгор ўз вақтида қилинмаганлиги, баҳорги ва ёзги агротехник юмушларнинг чўзилиб кетганлиги оқибатида режалар бажарилмай қолди. Қизилтепа туманидаги «Сардоба», «Варозун», Навоий туманидаги «Ҳазара», «Расадхона» жамоа хўжаликларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Юқоридаги жамоалар жорий йилда давлатга пахта сотиш топшириғини ярмига ҳам етказа олмадилар.

Ана шу қолоқликка йўл қўйган жамоалар билан ёнма-ён жойлашган бир қанча хўжаликлар бу борадаги режаларини аллақачон ошиғи билан уддалаб қўйишди. Масалан, Қизилтепа туманидаги Навоий номли, Навоий туманидаги «Маданият», «Зарафшон», Навоий номли жамоа хўжаликлари мўлжаллагидан анча кўп оқ олтин йиғиштириб олиб, ҳатто уларнинг баъзилари режани 120 фоиздан ҳам ошириб юборишди.

Хўш, шундай экан, бу муваффақиятнинг сири нимада? Нима учун ёнма-ён турган хўжаликнинг бири техника етишмайди каби баҳоналарни рўкач қилиб кўзланган мўлжалга етолмайди, бошқаси эса имкониятлари бир бўлгани ҳолда ижобий натижаларга эришади. Ана шу саволларга Навоий туманининг «Нарпай» жамоа хўжалигида бўлганда жавоб топгандай бўлдик.

Маълум бўлишича жамоа жорий йилда давлатга дон, қоракўл тери, сабзавот, узум топшириш режаларини бажарган экан. Хўжалик деҳқонлари яқинда қимматли саноат хом ашёси ҳисобланган пахта етиштиришда ҳам катта муваффақиятга эришдилар. Пахтакорлар эрта кўкламда эзгу ният билан 1673 гектар майдонга барака уруғи қадаган эдилар. Чигит ердан униб чиққандан то ҳосил йиғиб-териб олингунча фидокорона меҳнат қилинди. Ғўза парваришида агротехник қоидаларига қатъий риоя этилди. Вақтида суғорилиб, культивация қилинди. Бегона ўтларнинг кўпайишига йўл қўйилмади. Натижада мўлжаллагидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди. Пахтакорлар режадаги 4764 тонна ўрнига 4769 тонна пахтани давлатга топшириб, ғалаба манзилига етиб келдилар. Ҳосилдорлик гектарига 28,5 центнерни ташкил этди.

— Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 60—65 фоизи юқори навларга сотилди, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик бошқаруви раиси Носир Бобоёров. — Ғалабамизга Р. Ғафуров бошлиқ 1-деҳқончилик, Я. Эргашев бошлиқ 3-деҳқончилик бўлимлари миришкорлари муносиб улушларини қўшишди. Бригадирлардан Сайдулло Сафаров, Мансур Ҳайитов, Ҳамид Боймуродов, Умрзоқ Раҳматов, Олим Эргашев, механизаторлардан Ҳамид Менглиев, Шавкат Абдураимов, Элмурод Раҳимов, Урин Ражабов, Рамазон Бозоров, Отақул Рўзиқулов, сувчилардан Сапар Диёров, Уткир Раупов, Муртоз Жумаев, Усмон Ҳакимов, Нормўмин Бозоров, Шоди Қодиров, пудратчилардан Ҳадича Ашурова, Дилфуза Сапарова, Жамила Рўзиева, Гулсара Собирова, Дилдора Жумановаларнинг қўшган ҳиссалари айниқса катта бўлди.

Энди деҳқончиликда муваффақиятларимиз сири нимада, деган саволга келсак, бунда биринчи навбатда хўжаликда ишни асосан пудрат усулида ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Чунки бу усул хўжалик билан пудратчи ўртасидаги тузилган шартномаларга асосланади. Келишилган шартнома мажбуриятларининг икки томондан ҳам оғишмай бажарилиши эса муваффақиятнинг асосий калити ҳисобланади. Ана шуларга амал қилиш эса ҳам хўжаликка, ҳам пудратчига жуда катта фойда келтиради. Муҳими пудратчи иқтисодий манфаатдор бўлади.

Иккинчидан, пахтакорларимиз йиғим-терим олдидан матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларга оғишмай амал қилишди. Жумладан, пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўрилди. Пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги оширилди. Хусусан, икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги бир тонна пахта учун 90 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда 55 сўмдан кам бўлмаган ҳақ тўланди. Қўлда терилган бир килограмм ўрта толали пахта учун 3,5—4 сўмдан пул ўз вақтида бериб турилди. Қарорда белгиланганидек хўжаликнинг техника воситалари йиғим-теримга тайёрлаб қўйилганди. Пахтазорларнинг машина бурилиш жойи техника ёрдамида текисланиб, ўқариқлар кўмилди.

Дарҳақиқат, юқоридаги хўжалик аъзолари бу йил деҳқончиликнинг барча соҳаларида муайян муваффақиятларга эришдилар. Бунда жамоа раҳбариятининг ишни ҳозирги бозор иқтисодиёти қонунларига амал қилгани ҳолда ташкил этгани муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда ҳашарчиларнинг ҳиссасини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хўжалик ҳудудида жойлашган ва Навоий шаҳар мактаблари, кончилик институти, педагогика билим юрти, 1-касб-ҳунар лицейи ўқувчилари, ишчи-хизматчилари ва бошқа ҳашарчилар шулар жумласидандир. Улар ҳар куни 100 тоннагача пахта териб, умумий ғалабага муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Айни кунларда хўжалик далаларида шудгор ишлари бошлаб юборилди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ДЎСТЛАРИ КЎПНИНГ БОҒИ ЧАМАНДИР

*Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари*

### САМАРҚАНД ЗАМИНИДА УЧРАШУВ

Украина маданияти кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи Самарқандга ташриф буюрди. Аэропортда қардош диёр вакилларини вилоят ҳокими ўринбосари И. Рашидов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

Меҳмонларнинг кўҳна шаҳар билан танишуви буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Сўнгра улар Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди ва бошқа тарихий обидаларни кўздан кечирдилар. Аждодларимизнинг бекиёс яратувчилик салоҳияти, ҳозирги авлоднинг ўтмиш меросини асраб-авайлаш борасидаги бунёдкорлик ишлари, улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан шаҳар янада чирой очгани, замонавий ва кўркам иншоотлар қад кўтараётгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигида, меҳнат жамоалари, маданият, санъат, илм-фан муассасаларида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида меҳмонлар мустақиллик туфайли икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик янгича мазмун касб этаётгани ҳақида гапирдилар. Икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Кечқурун Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театрида Украина маданияти кунларига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда дўст мамлакат ижодий гуруҳлари ва ижрочилари, шунингдек, самарқандлик санъаткорлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Тадбирда вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

### ҚАШҚАДАРЁДА КАТТА БАЙРАМ

Мамлакатимизда ўтаётган Украина маданияти кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи Қашқадарё вилоятига келди. Қарши шаҳар аэропортида меҳмонларни вилоят раҳбарлари, меҳнат жамоалари, ёшлар вакиллари қизғин кутиб олди.

Вилоят билан танишиш Қарши шаҳридан бошланди. Мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан қад кўтарган банк бобокалонимиз номидаги хиёбон, Мустақиллик майдони, Халқ амалий санъати музейи, Шуҳрат қўрғони санъаткорларда катта таассурот қолдирди.

Қашқадарё нафақат пахта ва ғалласи, балки улкан саноат корхоналари билан ҳам машҳурдир. Делегация аъзолари тушдан кейин Муборак газни қайта ишлаш заводини бориб кўрдилар. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган цехларнинг иш жараёни билан танишдилар. Сўнг тадбир иштирокчиларининг Муборак тумани меҳнаткашлари билан учрашуви бўлди. Маданият арбоблари, санъаткорлар меҳнат аҳли билан мустақиллик берган имкониятлар, украин ва ўзбек халқларининг азалий дўстлиги хусусида суҳбатлашдилар. Дўстлик байрамига айланиб кетган учрашув украиналик санъаткорлар иштирокидаги катта концерт билан якунланди.

**(ЎзА).**

### БУНЁДКОР ЭЛ ЭКАН

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи тўғрисида кўп эшитгандим. Тошкентга келгач, бу сўзлар ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатингиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишар эканман, очиғини айтганда, бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратда қолдим. Айниқса, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашиб кетган кўркам бинолар катта таассурот қолдирди.

Мустақил ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакат вакили сифатида бундай ўзгаришлар истиқлол шарофати, ислоҳотлар натижасида эканини юракдан ҳис этдим. Кўплаб мамлакатларда ижодий сафарда бўлганман. Аммо бунчалик кенг кўламдаги қурилиш ишларини кам учратгандим. Шу боис, ўзбек элининг бу қадар бунёдкорлигидан фахрландим. Биз зиёрат қилган «Темурийлар тарихи давлат музейи»ни ҳеч муболағасиз мўъжизалар маскани деса бўлади. Иншоотнинг ташқи кўриниши ҳам, ички безаклари ҳам кишини лол қолдиради. Унинг ўта қисқа вақтда, саккиз ой мобайнида бунёд этилганини эшитиб, ҳайратим ортди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатингизда қарор топган тинчлик, осойишталик, ўзаро тотувлик, Ўзбекистон раҳбарининг оқилона сиёсати самарасидир.

**Виталий САФОНОВ,**
**Украина халқ артисти.**




## МУШТАРИЙЛАРИМИЗ САФИГА ҚЎШИЛИНГ

*Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Обуна бўлиш чакана савдодан харид қилишга нисбатан қулайлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки обуна бўлсангиз, газетамиз хўжалик, корхона, ташкилот ва хонадонларга мунтазам етказиб берилади.*

*«О б у н а-98»*

*Бу йил обуна баҳосини белгилашда худди ўтган йилгидек табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. Яъни газета таҳририяти, қоғоз, босмахона ва бошқа харажатларни қоплаш учун кетадиган маблағларга Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатишда талаб этиладиган сарф-харажатлар қўшилган ҳолда якуний обуна баҳоси белгиланган.*

*Қадрли муштарийларимиз! Келгуси йили «Қишлоқ ҳаёти» газетасини мунтазам равишда олиб турай десангиз, обуна бўлишга шошилинг.*

*Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун индекс — 145.*

*Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 144.*

# МОЗИЙДАН ТАРАЛАЁТГАН ЗИЁ

*Маънавият*

Утмиш аждодларимиз илм-донишни ҳаётда таянч, тараққиётда йўлчи юлдуз, ёвга қарши қурол деб билганлар. Илм даргоҳларини «Байтул ҳикмат» — «Ҳикматлар уйи» дея эъзозлаганлар. Йўлбошчимизнинг ташаббуси билан бундан минг йил муқаддам Хоразм заминида вужудга келган инсоният тарихидаги шундай илк масканлардан бўлмиш Маъмун академияси қайтадан тикланди. Хива шаҳрида Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими ташкил этилди.

Бу ҳақдаги Президент Фармонига биноан академия Узбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақада илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштиради. Хусусан, қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганади ва таҳлил этади, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишлар олиб боради, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, фан соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ишлари билан шуғулланади. Маъмун академиясининг ташкил топиш ва жаҳон илм-фанини ривожлантиришга қўшган хиссасини, унинг бой илмий меросини теран ўрганиш бўлим фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди.

...Маъмун академияси тарихда камдан-кам учрайдиган воқеадир. Унинг ташкил топиши хоразмлик ҳукмдор Али Ибн Маъмуннинг (998-1017) номи билан боғлиқ.

Али Ибн Маъмун ўз саройи ва мамлакати нуфузини оширишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Мовароуннаҳр, Хоразм, Эронзамин ўлкаларининг олиму фузалоларини юртига таклиф этди. Урганчда Абу Саҳл Масиҳий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Ибн Ироқ каби ўз замонасининг машҳур алломалари фаолият кўрсата бошлади. Абу Али Ибн Синонинг Хоразмшоҳ хизматига келиши мазкур илмий мактабнинг шаклланишида айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, XI аср бошларида, Али Ибн Маъмун ва ундан кейин тахтга ўтирган укаси Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмда кўплаб қомусчи олимлар фаолият кўрсатган катта илмий марказ ташкил топди. Тарихда «Маъмун академияси» номи билан машҳур бу илм даргоҳида фаннинг турли соҳалари — физика, математика, қонуншунослик, тарих, фалсафа, адабиёт юксалди. ўлканинг шуҳрати атроф мамлакатларга ёйилди. Абу Райҳон Беруний фалакиёт, Абу Али ибн Сино табобат илмида айниқса довруғ қозонди.

Маъмун академияси бутун Урта Шарқда илмий тафаккурнинг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди. Бу ерда юнон, ҳинд, араб ҳамда марказий осиёлик мутафаккир ва олимларнинг, хусусан, буюк математик ва астроном Ал-Хоразмий, машҳур файласуф Ал-Киндий, кимёгар Ар-Розийнинг асарлари теран тадқиқ этилиб, уларнинг тиббий-илмий ва фалсафий қарашлари янада ривожлантирилди, ўша даврдаги барча фан соҳалари юқори поғонага кўтарилди.

Афсуски, истибдод йилларида, айниқса шўро замонида ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганлиги, илм, маданият-маърифат кенг ривож топганлиги, улардаги зиё ва билим масканларида таълим олган олиму фузалолар нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз номларини, ўчмас изларини қолдирганлиги тўғрисида лом-мим дейилмади. Гўё халқимизга фақат октябрь инқилобигина илм-маърифат келтиргани ҳақида жар солиб келинди.

Минг шукрлар бўлсинки, Истиқлол туфайли мамлакатимизнинг неча минг йиллик тарихи, маърифий қадриятлари, урф-одатлари, маънавияти, буюк аждодларимизнинг номлари қайта тикланмоқда. Халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли — Хивада Маъмун академиясининг неча асрлар давомида тарих чанг-тўзонлари остида хира тортган зиёси яна тарала бошлаётгани бунинг яққол далилидир. Бу зиё масканида яратилган бой илмий меросни ўрганиш, аввало, миллий ўзлигимизни, тарихимизни теран англаш, бу ерда таркиб топган анъаналар асосида янги илмий кашфиётларни амалга ошириб, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш имконини беради. Қолаверса, бу ерда фаолият кўрсатган буюк бобокалонларимизнинг илмий жасорати, фидойилиги, инсоний фазилатлари ва ҳулқу одоби барчамиз учун, айниқса ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Зеро, Беруний таъкидлаганидек, донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни юксалтиради, ёмонини йўқ қилади.

**Ёқуб ИБРОҲИМОВ**
**(ЎзА).**



**— Теннис чаққонлик, гўзаллик ва эпчиллик мусобақаси бўлиши билан бирга у ёшларни ўта хушёрликка ўргатиб, зеҳнини чарҳлайди, — дейди Уйчи туманидаги Улуғбек номли мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Ҳамидулла Ҳожимирзаев. 20 йиллик иш тажрибасига эга бу устоз-муаллим спортни ривожлантиришга, айниқса стол теннисини кенг йўлга қўйишга бевосита ташкилотчилик қилмоқда. Мактаб ўқувчилари вилоятда, туманда ўтказилаётган спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, совринли натижаларга эришмоқда. Яқинда билим даргоҳининг теннисчи қизлари вилоят хотин-қизлар спартакиадасида биринчи ўринни эгалладилар.**

**Суратда: жисмоний тарбия ўқитувчиси Ҳамидулла Ҳожимирзаев ғолиб теннисчи қизлар билан.**

**А. ЮСУФБОЕВ олган сурат**




Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигаретлари

# ТАЛАБАЛАР ҚУВОНЧИ

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Ордай қишлоғида янги очилган мактаб ўқувчиларни ўзбек ва қирғиз тилларида «Хуш келибсиз» — «Қош келингиздер» деган табриклар билан кутиб олди. Қишлоқ Қирғизистон чегарасида жойлашган. Бу ерда яшаётган қирғиз миллатига мансуб болалар эндиликда ўз она тилларида ўқийдилар. Янги мактабда таълим қирғиз тилида олиб бориладиган тўққиз синф бўлади.

Замонавий ва қулай бинода синфхоналардан ташқари спорт зали, устахоналар, ошхона бор. Бинони «Андижонвилоятжамоахўжаликқурилиш» трестининг бинокорлик бригадалари ярим йилда қуриб битказди. Мактаб маҳаллий бюджет ҳисобидан мебел, ўқув анжомлари билан жиҳозланди.

**К. НИЗОМОВ.**

# БИЛЛУР СОВРИН БАҲСЛАРИ

Мамлакат кубоги учун апрель ойида олий ва биринчи табақанинг 40 жамоаси баҳсга киришган эди. Мусобақалар давомида рақиблар ҳар босқичда иккитадан (ўз майдонида ва сафарда) ўйин ўтказиб, орани очиқ қилиб боришди. Натижада ярим финалда тўп сурадиган тўрт жамоа аниқланган эди. Булар «Навбаҳор», «Нефтчи», «Пахтакор» ва «Дўстлик»дир.

Қуръага кўра, «Навбаҳор» фарғоналик чарм тўп усталарини, «Пахтакор» эса Тошкент вилояти футболчиларини қабул қилди. Бу тўрттала жамоани ҳам биринчилик баҳсларида кўнгилдагидек қатнашди деб бўлмайди. Шу боис биллур совринни қўлга киритиш мухлислар кўз ўнгида ўз нуфузини оширишнинг сўнгги воситаларидан бири эди.

Ушбу ҳолат иккала ўйинда ҳам яққол акс этди. Айниқса, Наманганддаги ўйин кескинлиги билан ажралиб турди. Ғалабага иштиёқ тез-тез қоида бузилишларни келтириб чиқарди. Майдондаги ҳакам Г. Имомов наманганликлардан Андреев, Асадуллаев, Башкевич, Мадраҳимовларни, фарғоналиклардан Забиров, А. Дурмонов, Радкевичларни огоҳлантиришга мажбур бўлди.



Ҳисоб эса — 2:2. Албатта, бу натижа жавоб ўйинини ўз майдонида ўтказадиган «Нефтчи» учун қаноатланарли дейиш мумкин. Лекин «Навбаҳор»нинг ҳам жавоб учрашувида асло ён босмаслиги турган гап.

Тошкентдаги учрашувга омад мезбонларга кулиб боққан бўлса-да, «Дўстлик» такрорий ўйинда ўз майдонида тўп суриши боис имкониятни йўқотганича йўқ. Аслида пойтахт вилояти вакиллари дастлабки ўйинда ҳам бўш келишмади. Тўғри, мезбонлар биринчи бўлиб ҳисобда олдинга ўтишди. Миржалол бурчакдан узатган тўпни Мурод Отажонов дарвозага аниқ йўллади.

Бу ўйиннинг иккинчи дақиқасида содир бўлди. 16-нчи дақиқада Фарид Ҳабибуллин ҳисобни тенглаштирди. 21-дақиқада эса Олим Шокиров «Дўстлик»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Лекин лаҳза ўтар-ўтмас Азамат Абдураимов чинакам хужумчиларга хос тарзда бир неча рақибни алдаб утиб, бехато ва кучли зарба берди.

42-дақиқада М. Қосимов одатдагидек жарима тўпини қойилмақом тарзда амалга оширди. Иккинчи таймда командалар ҳар қанча уринишмасин, ҳисоб ўзгармай қолди.

21 ноябрь куни қайси икки жамоа биллур соврин учун ҳал қилувчи баҳсда иштирок этиши маълум бўлади. Ҳозирча тўрттала команда ҳам бунга эришиш имконига эга.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

# САЁҲАТЧИ ҚУРБАҚАЛАР

Улкан қурбақалар сабзавот ортилган юк машиналарида бутун Шимолий Австралия бўйлаб кезмоқдалар. Катталиги ликопчадай келадиган, чақчайган кўзли қамишзор қурбақаларининг дайдиб юришига ҳалақит бериш мақсадида бензинкалонкалар, меҳмонхоналар ва ресторанлар олдида ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи, уларни ўз машиналарини тез-тез кўздан кечиришга ундовчи эслатмаларни кўриш мумкин.

— Бу жуда хавфли махлуқ, — дейди атроф-муҳитни сақлаш бошқармаси вакили Билл Фриленд. — Бу очофатлар барча жониворларни еяверади ва қитъадаги майда ҳайвонотларнинг қирилиб кетиш хавфини туғдиради.

Аслида бу хил қурбақалар асримиз бошларида шакарқамиш зараркунандаларидан бирини йўқотиш учун Квинсленд штатининг шимолий ҳудудига бошқа ерлардан олиб келтирилган эди.

## КЎЛ МЎЪЖИЗАСИ



Югославия тоғларида ажойиб Циркиниц кўли жойлашган. Кўлнинг мўъжизавийлиги шундаки, унинг суви ёз ёки қиш фаслида бирдан йўқолади ва баҳор билан кузда яна қайта пайдо бўлади.

Аниқлашича, сув балиқлар билан биргаликда кўл туби ва қирғоқларидаги тўрт юзга яқин воронкасимон тешиклар орқали ғойиб бўлар экан. Бу антиқа ҳодиса баъзан йилига уч-тўрт марта такрорланади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

«Узмевасабзавотузумсаноат-Холдинг» компанияси жамоаси Хоразм вилояти «Шароб» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Отабой Ортиқовга падари бузруквори

**Отаёз ОРТИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ

"Обуна - 98"

"ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ"ТА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Реклама нашрлари орасида энг оммавий ҳафталик газеталардан бири - ''Тошкент ҳафтаномаси''га 1998 йил учун обуна бўлсангиз, асло ютқазмайсиз Бир йилга обуна бўлиб, квитанциянгизни бизга тақдим этсангиз**

8 САТР ХУСУСИЙ ЭЪЛОННИ ЁРИТИШ ёки ЎЗИНГИЗ УЧУН ЭНГ АЗИЗ ИНСОННИНГ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУНИ, ЮБИЛЕЙИДА "ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ" газётаси орқали БЕПУЛ табриклаш имкониятига эга бўласиз.

Фирма ёки ташкилотлар эса 50 кв. см. рекламасини текин эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Бунақаси ҳали умуман бўлмаган !**
**Ўйлаб кўринг, пулингизни бекорга сарфламайсиз!**

''Тошкент ҳафтаномаси'' орқали хонадонингизга ЎзТВ нинг 4 та дастури билан бирга 30-канал, Россиянинг РЖТ, РДТ, ТВ-6, НТВ, Қозоғистон телевидениеларининг дастурлари мунтазам кириб боради.

Бундан ташқари газетада мамлакатимизда, дунёда юз бераётган муҳим воқеалар, ҳаётий янгиликлар, кундалик манфаатларингиз учун зарур бўлган турли хил қизиқ ахборотлар, фойдали маслаҳатлар ва маълумотлар бериб борилади.

Маънавият оламининг бебаҳо, кўҳна ибратомуз ҳикоятлари ва ривоятлари, донишмандлар ҳаёти, меросидан намуналар ҳам доимо чоп этилади.

Ва яна цирк томошалари, турли концертлар, театрлар репертуарларидан мунтазам воқиф бўласиз.

**Энг асосийси уй, квартира, автомашина, бирор бир буюм харид қилмоқчи ёки сотмоқчимисиз, у ҳолда ҳеч иккиланмай ''ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ''га обуна бўлинг!**

**Нашр кўрсаткичи:** **Якка тартибдаги обуначилар учун—214.**
**Ташкилотлар учун—215.**

**Республикамизнинг барча алоқа бўлимларида ''ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ'' га обуна давом этмокда.**

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Сунватилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»
давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0735, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.